2009 ЙИЛ, 17 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 119 (11.430) Баҳоси эркин нархда

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.**

Саммит Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги йиғилиши билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШҲТга аъзо давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, экстремизм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазият кўриб чиқилди, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва тикланиш ишларини амалга ошириш борасида фикрлар алмашилди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага тўхталиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафеълигидаги янги халқаро механизми – «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ Афғонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат бўлади. Шунингдек, Ислом Каримов кўп миллатли Афғонистон халқининг чуқур тарихий илдизларига, барча миллатларнинг анъанавий қадриятларига тўла ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимлигини, шу асосда ҳамда музокаралар орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ дунёнинг энг нуфузли, қудратли, юқори салоҳиятга эга ташкилотларидан бирига айланди. Бунда ташкилотнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳар томонлама пухта ўйланган механизм вазифасини ўтаётгани, шунингдек, музокаралардаги очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий соҳада ШҲТ давлатлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштиришга эришди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШҲТ мамлакатлари учун доимо устувор ўрин тутади. Шу боис саммитлар арафасида иқтисодий-ижтимоий комплекс вазирлик ва идоралари билан бир қаторда, хавфсизлик кенгаши котиблари, ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар ва бошқа махсус хизматлар вакилларининг мажлислари ўтказилади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. ШҲТнинг Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳамкорликда бизнес вакиллари ва банк-молия тузилмаларининг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашмадан ташқари, божхона, транзит, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, йўлсозлик, логистика, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалар бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Масалан, транзит салоҳиятини юксалтириш бўйича махсус ишчи гуруҳ «Андижон-Ўш-Саритош-Иркештом-Қашқар» ҳамда «Душанбе-Жирғатол-Қорамиқ-Иркештом-Қашқар» транспорт йўлаклари таркибига кирувчи автомобиль йўллари лойиҳаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик тажриба алмашув ва юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мамлакатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Норовин Алтанхуяг ҳамда саммит меҳмони сифатида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай ҳам иштирок этди.

Музокарада ШҲТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида ҳамда кузатувчи давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Халқаро ва минтақавий вазият кўриб чиқилди, молия, энергетика, ахборот, экология ва озиқ-овқат соҳаларида хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 Тошкент 2009



### ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯРАТИЛАДИ

**Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муносиб улуши бор. Шу боис ҳам соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқдаки, Бектемир туманида ҳам уларнинг сафи кенгайиб, ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар тури ортиб бормоқда.**

Бу борада ўз олдига республикамиздаги сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга импорт ўрнини босувчи қадоқлаш ашёлари етказиб беришни аҳд қилган «Арслон пластик» масъулияти чекланган жамиятининг муносиб ҳиссаси бор. Цехларни хорижий технологик линиялар билан жиҳозлаб, 10 нафар ёш мутахассисни иш билан таъминлаган корхонанинг фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмасада, изланишлар, ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа, ички ҳамда ташқи бозорни мукаммал ўрганиб бориш туфайли буюртмачилари сафи ортмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар марказида «Тошкент — Шарқ дарвозаси» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш орқали ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, унинг қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимиз тарихини чуқур ва атрофлича ўрганиш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини тобора юксалтириш, ёшлар қалбида тарихимизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини камол топтиришга хизмат қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ТОКИО ВА ТЕҲРОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

**Чет эл сиёсий, ижтимоий ва эксперт-таҳлилий доираларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг кенг муҳокамаси давом этмоқда.**

Токио шаҳридаги Осиё тараққиёт банки (ОТБ) институтида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги асари тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Япония молия вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкининг Токио шаҳридаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Сиёсий тадқиқотлар маркази кўмагида ўтказилган тақдимотда мамлакатнинг молия вазирлиги, ОТБ, экспертлар, академик ва таҳлилий доиралари вакиллари қатнашди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Ўрикзор» маҳалласи ҳудудидаги «Гулбаҳор» ёзги болалар оромгоҳида Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари, вирусли гепатитнинг олдини олиш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармасида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир солиқ қонунчилигининг моҳиятига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида уюштирилган рассом Вера Землянцева ижодига мансуб асарлар кўргазмаси «Кунларнинг бирида учратиб қолиб» деб номланди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ўтказилган семинар «Вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси: миллий қонунчилик мониторинги ва қўллаш амалиёти» деб номланди.

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва янги иш жойлари яратиш дастурлари ижроси ҳақида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ахбороти тингланди.

● БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Сут фермаси режаси ва дизайни» мавзуидаги анжуманга тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, фермерлар, шунингдек, хорижлик мутахассислар таклиф этилди.

● Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш бўйича завод ўз фаолиятини бошлади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона бир кеча-кундузда 100 минг тоннагача чигитни қайта ишлаб, 50 тоннага яқин маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Корхонанинг фаолият бошлаши муносабати билан 60 га яқин киши ишли бўлди.

● Урганч шаҳрида ихтисослаштирилган мини-технологиялар кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ давлатнинг 70 дан зиёд хорижий компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.

● Қўқон вагон депосида механика цехи ташкил этилиб, вагонларни таъмирлаш йўлга қўйилди. Бу ерда 50 дан ортиқ киши ишли бўлиб, улар вагонларни таъмирлаш билан бирга, моделлаштириш дастури асосида вагонларнинг бутловчи қисмларини ҳам тайёрлашмоқда.

● Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Самарқанддаги «Саховат» уйида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тизимидаги тиббий-ижтимоий мутахассислар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Халқаро валюта жамғармасига аъзо давлатлар молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашишга йўналтирилган фонд заҳира миқдорини ошириш мақсадида 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблағ тўплашга муваффақ бўлишди. Тўпланган маблағ инқироздан азият чекаётган ва молиявий кўмакка муҳтож давлатлар иқтисодиётини барқарорлаштиришга йўналтирилади.

● Молиявий-иқтисодий инқироз туфайли Венгрия ўзининг турли мамлакатлардаги тўртта элчихонаси ва саккизта консулхонасини ёпишга қарор қилди.

● Испания ҳарбий-ҳаво кучларининг иккита қирувчи самолёти кеча Канар ороллари осмонида ўзаро тўқнашиб кетди.

● «Air France» авиакомпанияси ўзининг барча «А-330», «А-340» русумли самолётларидаги тезлик датчикларини алмаштиришга қарор қилди. Бунга Атлантика океанида ҳалокатга учраган «А-330-200» ҳаво кемасининг мазкур қурилмасида муаммо юзага келган бўлиши мумкин, деган тахминлар сабаб бўлди.

● Кеча Москва вилоятида учинчи халқаро ёзги театр мактаби ўз ишини бошлади. Унда икки ҳафта давомида жаҳоннинг 30 та мамлакатидан келган 90 нафар ёш, иқтидорли актёрлар ўз малакаларини оширадилар.

● Франция пойтахти Париж атрофидаги Ле Бурже шаҳарчасида 48-машҳур авиасалон ўз ишини бошлади. Унда 48 мамлакатнинг етакчи авиасозлик компаниялари иштирок этмоқда. Авиасалон ўз ишини 21 июлга қадар давом эттиради.

● Молдова Президенти Владимир Воронин мамлакат Конституциявий суди қарорига кўра парламентни тарқатиб юборди. Парламент янги таркибига сайловлар ўтказиш 29 июлга белгиланди.

● ЮНЕСКО шафелигида фаолият кўрсатувчи ноширлар, китоб сотувчилар ва кутубхоначилар махсус қўмитаси қарорига кўра 2011 йилда Бутунжаҳон китоб пойтахти фахрий унвони Аргентина пойтахти Буэнос-Айресга берилди. Бундай унвон китоб ўқишни ва китобга бўлган муҳаббатни рағбатлантириш бўйича энг яхши шаҳар дастурларига берилади.

● АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Олбани шаҳрида унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. Самолётнинг Мохок дарёсига қулаб тушиши натижасида унинг бортида бўлган уч кишидан икки нафари ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирда воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Янги ижтимоий лойиҳалар

## ЭЗГУЛИКДАН ЯШНАГАЙ ОЛАМ

**Мамлакатимизда меҳрга ташна, ўксик дилларга қувонч улашишдек савоб ишларни амалга ошириш энг олий фазилатларимиздан саналади. «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» деган ақидага амал қилган ҳолда ўтказиб келинаётган кўплаб хайрия тадбирлари фикримиз далилидир.**

Айни ёзнинг жазирама иссиқ кунларида пойтахтимиздаги энг сўлим ва хушманзара масканларимиз, боғ ва хиёбонларимиз айниқса, жажжи болажонлар билан гавжум бўлади. Ушбу масканда турли хил ўйингоҳлар, концерт дастурлари, қизиқарли томошалар, спорт мусобақалари болажонлар эътиборини тортмай қўймайди.

Куни кеча пойтахтимизнинг энг хушманзара масканларидан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Бола кулса, олам кулади» мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирга Зангиота туманида истиқомат қилувчи 130 нафарга яқин имконияти чекланган ногирон болалар ташриф буюришди. Хайрия кечасида Толибжон Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи қошидаги бадиий жамоалар ўз концерт дастурларини намойиш этиб, хаста дилларга бир олам қувонч улашишди. Жумладан, «Олтин водий», Амир, Нодирабегим, «Ритм» сингари ашула ва рақс дасталари болажонлар учун қувноқ, шўх куй-қўшиқлар ва қизиқарли томошаларни ижро этишди. Шу куни боғ маъмурияти томонидан болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун қувноқ ўйингоҳларга бепул чипталар тарқатилди.

— Ёз мавсуми бошланиб, боғимиз янада гавжумлашиб қолди. Дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва мазмунли дам олишлари учун турли хил тадбирлар ўтказиб келяпмиз, — дейди Ўзбекистон Миллий боғи бадиий раҳбари Мавлуда Комилова. — Бу йил 426 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва ногирон болалар учун хайрия тадбирлари ўтказилди. Шундан 280 та кичик ёшдаги, 146 нафар катта ёшдаги болалар учун турли-туман тадбирлар уюштирилиб, уларга жами 1 миллион 570 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Боғимизда болаларнинг ёзги таътил кунларида мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Турли хил ўйингоҳлар, боғ саҳнасида улар учун концерт дастурлари намойиши, шу билан бирга мовий кўлда сайр қилишлари учун кемалар, катамаран ва бошқалар мавжуд. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан янги лойиҳалар қаторида мамлакатимизнинг энг йирик боғига ёз мавсуми мобайнида минтақамизнинг барча гўшаларидан болажонларнинг ташрифини ташкил этишни режалаштирганмиз. Истардикки, ҳар бир дам олувчи хоҳ у катта бўладими, кичик бўладими, ушбу масканда мазмунли ҳордиқ чиқариб, хушнуд бўлиб қайтсин.

Шу куни хайрия тадбирида қатнашган болажонлар дилдан қувнаб-яйрашди, шўх қўшиқ ва рақсларга жўр бўлишди. Уларнинг қувноқ кулгулари атрофни тутди. Ушбу эзгуликдан каттаю кичикнинг қалби шодумон бўлди.

**Дилором ИКРОМОВА**



Ўқув масканларида

## «ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!»

**Ўзбекистон Миллий университетининг географлар ва филологлар боғида «Оқ йўл сизга, битирувчилар!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.**

Оилада вояга етган фарзанднинг ота-онасидан оқ фотиҳа олиши азалий удум. Қўлига диплом олаётган ҳар бир йигит-қиз учун ота-онадек азиз устозларнинг ҳам оқ йўл тилаб қолиши беқиёс қанот бахш этади. Университетимизни муваффақиятли тамомлаётган ёшларни мустақил ҳаётга тантанали равишда кузатиш ўзига хос анъанага айланган. Бу йил бу тадбир биринчи бўлиб «География факультети боғи»да ташкил этилди. Географ олимлар ва талабалар юксак дид билан яратган бу боққа кирган киши аввало ўзини табиат оламида юргандек ҳис қилади. Боғ ўртасига ўрнатилган улкан глобус кўз ўнгингизда она сайёрамизнинг чексиз коинот бағрида сузиб юрганини намоён этади.

Тўрт йил муқаддам шу улуғ даргоҳга ўқишга кириш орзусида келган йигит-қизлар бугун қўлларига диплом олаётганларидан қанчалик шод эканликларини тасвирлашга тил ожиз. Барчанинг кўзида ўзгача ҳаяжон. Юрак тўлқинларига ҳамоҳанг куйлар даврага байрамона руҳ бахш этмоқда.

Университет ректори Ғофуржон Муҳамедов анжуманга ташриф буюрган профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва бахтиёр талабаларни самимий қутлар экан, дил сўзларини шундай изҳор этади.

— Ҳар бир инсоннинг она-Ватанга, оиласига содиқлиги аввало унинг ўз касбига садоқатида намоён бўлади. Кимки касбини чинакам севиб, ардоқласа, элу юрти олдидаги бурчини оқлагани шу. Умид қиламизки, бугунги кунда ўқув даргоҳимизни тамомлаётган етук кадрларимиз эртага ишлаб чиқариш соҳаларида чинакам фидойи эканликларини намоён этадилар.

Мазкур факультетни муваффақиятли тамомлаб, мустақил ҳаётга йўл олаётган ёш кадрлар география, геодемография, қуруқлик гидрологияси, суғориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув хўжалиги иқтисодиётини, кўл ва сув омборлари гидрокимёси каби соҳаларда фаолият кўрсатадилар.

— Ўқув даргоҳимизнинг бакалавр босқичини 118 талаба учта йўналиш бўйича, магистрлик босқичини 63 талаба саккизта мутахассислик бўйича тамомламоқда, — дейди факультет декани Равшан Муҳаммадалиев. —Шу билан бир қаторда махсус сиртқи бўлимимизни 46 нафар йигит-қиз ҳам тугатмоқда. Улар профессорлар Турғунбой Мирзаалиев, Фазлиддин Ҳикматов, Абдусами Солиев сингари таниқли географ олимлардан сабоқ олганларини мамнуният билан таъкидласа арзийди.

«Оқ йўл сизга, битирувчилар!» анжуманида мустақил ҳаётга йўлланма олаётган йигит-қизлар келгусида она-Ватанга садоқатли бўлишга, касбини ва зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, юксак маънавият, маърифат учун курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Республика таълим маркази, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геодезия-картография миллий маркази, ЎзРФА сув муаммолари институти ва яна бир қатор ташкилотлар билан факультет ўртасида битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи бўйича шартномалар тузилган. Факультетни 2007-2008 ўқув йилида бакалавр йўналиши бўйича 137 талаба битирган бўлса, грант асосида ўқиб-битирган 59 талаба юз фоиз, шартнома асосида ўқиб битирган 78 талабанинг тўқсон фоиздан зиёдроғи иш билан таъминланган.

Тадбир давомида ёш мутахассисларга иш берувчи ташкилотлар билан «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда ишлаб чиқаришга йўл олаётган ёшлар ўзларига яратилаётган имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Худди шундай тадбир куни кеча ўзбек филологияси факультетининг «Филологлар боғи»да ҳам бўлиб ўтди. Унда мураббийлар ва талабаларнинг дилдан суҳбатлари барчага хуш кайфият улашди. Ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ талабалар Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Анъанага кўра бу йилги битирувчиларга рамзий йўлланма берилди. Ўз навбатида улар факультетнинг учинчи босқич талабаларига рамзий эстафета сифатида сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Илк девон»ини топширдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Халқаро Амир Темур жамғармаси раҳбари Муҳаммад Али ҳамда муассасалар вакиллари иштирок этишди. Меҳмонлар битирувчиларни етук мутахассис бўлиб катта ҳаётга қадам қўйганликлари билан самимий қутладилар.

**Элёр ЎРОЛОВ,**
**Азиза УСМОНОВА,**
**ЎзМУ талабалари**

Ёз — ўтмоқда соз

## БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

**Мана, ўлкамизда ёз мавсуми бошланиб, кўпчилик сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқда. Ёзги таътил даврида айниқса мактаб ўқувчиларининг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун муҳим эътибор қаратилмоқда.**

Кимдир тоғ бағридаги болалар оромгоҳида, яна кимдир соғломлаштириш масканларида, ёхуд мактаблар қошида ташкил қилинган оромгоҳларда кўнгилли дам олмоқдалар, турли тўгаракларга қатнаб билимларини ошириб, ҳунар ўрганмоқдалар.

Таътил пайтида болаларни фойдали юмушлар билан банд қилиш мақсадида Чилонзор туманидаги 270-мактабда ҳам мусиқа, спорт, бисер, моҳир қўллар, расм тўгараклари ҳамда «Соғломлаштириш майдончаси» ташкил этилди.

— Болаларимизнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш ҳамда билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мактабимизда турли хил тўгараклар фаолият бошлади, — дейди 270-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Эльвира Юсупова. — Тўгаракларда 100 дан ортиқ ўқувчилар ўзларига бириктирилган 5 нафар ўқитувчилар кўмагида санъат асарларини яратишмоқда.

Бундан ташқари мактабда «Шодиёна» мусиқа тўгараги ҳам ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари тугалланган ўқув йили давомида бир қанча ютуқларни қўлга киритиб, айни таътил кунларида ўз маҳоратларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, тўгарак раҳбари Маҳкам ака Муҳсимовдан мусиқа сирларини ўрганмоқдалар.

— «Шодиёна» тўгарагига 28 нафар бола аъзо бўлиб, биргаликда қўшиқ айтиб, рақсга тушамиз, миллий чолғу асбобларини чалишни ўрганамиз ҳамда ўзимизнинг кичкина қўғирчоқ театримизда томошалар саҳналаштирамиз, — дейди тўгарак аъзоси Озода Воҳидова. — Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан пойтахтимизнинг кўзга кўринган боғлари, майдонлари, музейлари ҳамда кўркам бинолари билан танишиш мақсадида шаҳар бўйлаб саёҳат уюштиряпти. Куни кеча Ўзбекистон тарихи Давлат музейига бордик. Қандай аждодларнинг авлоди эканлигимизни теран англаб, фахрланиб қайтдик.

Бир сўз билан айтганда, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир бола яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

**Зебунисо НАЗИРОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

## ХАЙРЛИ МАҚСАДГА БАҒИШЛАНДИ

**Кимнингдир дардига дармон бўлиш, унинг ҳаётга интилишига туртки бериш ҳар бир инсоннинг олижаноб фазилати бўлмоғи лозим.**

Маълумотларга кўра, 18-60 ёшдаги ҳар бир соғлом одам донор бўлиши мумкин экан. Уларнинг йилига 1-2 марта қон топшириши инсон соғлиғига мутлақо безарардир.

Халқаро донорлар куни муносабати билан Тошкент автомобиль йўллари институтида саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамда Тошкент шаҳар «Қон маҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш уюшмаси билан ҳамкорликда «Ҳаёт бахш этинг — у сизнинг қонингизда» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар донорлар қони оғир беморларнинг дардига дармон бўлиб, уларга қайта ҳаёт бахш этиши билан биргаликда, қон компонентлари ва препаратлари кўпгина касалликларда ҳам жуда кучли шифобахш хусусиятларга эгалигини таъкидлашди.

Шундан сўнг «Қон маҳсулотлари» илмий ишлаб-чиқариш уюшмаси томонидан институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида «Донорлик акцияси» ўтказилди. Акцияда қон бериш ихтиёрий бўлиб, ҳар бир донорнинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳамда 9 хил касалликларга қарши текширув-таҳлил ишлари бепул амалга оширилди.

— «Донорлик акцияси»да илк бор қатнашишим. Бугунги тадбир орқали кўплаб керакли маълумотларга эга бўлдим. Яъни донорлардан олинган қонлар оғир беморнинг дардига шифо мақсадида фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Ёрдамга муҳтож беморларга қон бериб, уларга қайта ҳаёт бахш этишдек хайрли акцияларда қатнашишга ҳисса қўшиш учун барча юртдошларимизни чорлайман, — дейди Тошкент автомобиль йўллари институти 2-босқич талабаси Ислом Сайназаров.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

### МАХТУМҚУЛИ

**Асли дилда чекма жафо,**
**Бадаслда йўқдир вафо,**
**Ҳар киши ўлса бесафо,**
**Обрўйини тўкар-кетар.**

* * *

**Кел, эй дўстим, чекма**
**қайғу-ғамни сен,**
**Оқтирмагил кўзларингдан**
**намни сен,**
**Бу дунёда ғанимат бил дамни сен,**
**Қайғу чекса, йигит киши чол бўлар.**

* * *

**Давлатинг қушини қочирма дастдан.**
**Яхшилик истама англамас мастдан,**
**Зинҳор кўл узмагил**
**дин билган дўстдан,**
**Обрўйинг сақланар яхши ном билан.**

* * *

**Тоғлар бордир, тошлар бордир,**
**Ёзлар бордир, қишлар бордир,**
**Ёмон-ёвуз ишлар бордир,**
**Бошга келган кўросидир.**

* * *

**Махтумқули, ишқ майдондир,**
**Бу майдонга кирган жондир,**
**Жонинг ҳам танда меҳмондир,**
**Берган бир кун олосидир.**

* * *

**Сўз қисқадир, маъни**
**кўпдир ичинда.**

* * *

**Бесабрнинг иши йитар,**
**Сабр айласа – иши битар.**

* * *

**Икки дунё яхшилик йўқ эгрига,**
**Эркак бўлсанг, қадам**
**қўйғил тўғрига.**

* * *

**Ёмон сўз ажратар яхши дўстингдан,**
**Гуноҳинг юклари босар устингдан,**
**Жаҳаннам ичинда тамуғ остиндан**
**Фалакларга чиқар унинг, ғийбатчи!**

* * *

**Хор бўлсанг, кўргил ўзингдан.**

* * *

**Тилингни тиймасанг**
**ҳаром сўзингдан,**
**Буткул барбод бўлур динииг,**
**ғийбатчи!**

* * *

**Ҳеч кўнгил шодлиги чиқмас**
**Бир кўнгул ёқмаган эрдан.**
**Яхшилик таъмасин қилманг,**
**Ёмонлик чекмаган эрдан.**

* * *

**Яхши эр – эл айбин очмас,**
**Кўриб-билиб, ҳаром ичмас.**

* * *

**Улуғ давлатлар айрилар,**
**Якдиллик тутмаган эрдан.**

* * *

**Ўз-ўзидан ақли етмас,**
**Оқилларнинг сўзин тутмас,**
**Йўқсиллик йўқ бўлиб кетмас,**
**Бад иш тарк этмаган эрдан.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Футбол

## «БУНЁДКОР» — ОСИЁДА ИККИНЧИ

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунёдаги энг кучли футбол клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.**

Унга кўра жаҳонда етмиш иккинчи поғонада қайд этилган Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Осиёда иккинчи жамоа деб эътироф этилган. Шунингдек, Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси Кубоги баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ҳам кучли юзталикдан ўрин эгаллашган.

**(Ўз мухбиримиз)**

Солиқ

## НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

**Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш устувор вазифалардан ҳисобланади.**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгандир.

Бу эса ўз навбатида жойлардаги солиқ идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шулардан келиб чиқиб, яқинда Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳудуддаги қатор корхоналарда қисқа муддатли таҳлил ишларини олиб боришди.

Таҳлил жараёнида маълум бўлишича, «Туронэнерготаъмир» МЧЖнинг мансабдор шахслари томонидан жами бўлиб, 148,790 минг сўмлик шпагат маҳсулотлари пул ўтказиш йўли билан харид қилиниб, у харидорларга нақд пулга сотиб юборилган. Аммо савдодан тушган нақд пулнинг асосий қисми банк кассаларига кирим қилинмаган.

Худди шунингдек, «AGRO LUX INVEST» МЧЖ алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналарга депозит рақамини тўлдириш учун 175.000,0 минг сўм миқдорида маблағ ўтказган бўлсада, аммо улардан нақд ёки нақдсиз пул маблағи келиб тушмаган. Маргарин, 170.000,0 минг сўмлик тухум ва парранда маҳсулотлари, 60000,0 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам пул ўтказиш йўли билан харид қилиниб, чакана нархда сотиб юборишган. Аммо ушбу тушган пулларнинг банк кассасига кирим қилинмаганлиги аниқланди.

Айни пайтда ушбу масалалар бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қарорларнинг ижросини таъминлаш ва мавжуд қонун бузилишларининг олдини олиш учун ДСИ ходимлари томонидан барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89

Буюртма Г- 506

Топширилган вақти: 14.35